

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САИДКАСИМОВА НАРГИЗА САЙФУЛЛАЕВНА

**САЛЬМОНЕЛЛЁЗЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК
НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.30 - Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2022

УЎК: 616.98:579.842.14-036.22 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Саидкасимова Наргиза Сайфуллаевна

Сальмонеллёзларнинг замонавий эпидемиологик
хусусиятлари ва уларнинг эпидемиологик назоратини
такомиллаштириш..... 3

Саидкасимова Наргиза Сайфуллаевна

Современные эпидемиологические особенности
сальмонеллезов и пути совершенствования
эпидемиологического надзора за ними..... 21

Saidkasimova Nargiza Sayfullaevna

Modern epidemiological characteristics of salmonellosis and improvement.
of their epidemiological control..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САИДКАСИМОВА НАРГИЗА САЙФУЛЛАЕВНА

**САЛЬМОНЕЛЛЁЗЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЭПИДЕМИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК
НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.30 - Эпидемиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib999 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Миртазаев Омон Миртазаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Атабеков Нурмат Сатиниязович
тиббиёт фанлари доктори

Мавланов Сабиржан Ибадуллаевич
ветеринария фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «18» март куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (832 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «1» март куни тарқатилди.

(2022 йил «1» март даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юқумли касалликлар ичида ўткир ичак инфекциялари вакили сальмонеллэзлар, ўткир респиратор инфекциялари гуруҳидан кейинги муҳим ўринни эгаллайди. Сальмонеллэзлар дунё бўйича жуда кенг тарқалган бўлиб, «...цивилизация касаллиги номини олган сальмонеллэзлар дунё бўйича жуда кенг тарқалган ва ҳозирда ҳеч бир мамлакат бу касалликни батамом тугатиш тўғрисида эмас, балки касалланишни камайтириш тўғрисида бош қотирмоқда...»¹. ЖССТ экспертларининг таъкидлашича сальмонеллез бутун дунё мамлакатлари учун жиддий муаммо ҳисобланади ва мутахассислар фикрига кўра, ушбу касалликларнинг эпидемиологик назорат тизими яхши йўлга қўйилган давлатларда ҳам сальмонеллэзлар тарқалиши ҳақидаги расмий маълумотлар ҳақиқатдан йироқ бўлиб, ҳақиқий ҳолатнинг бир қисминигина акс эттиради. Юқорида кўрсатилган маълумотлардан кўриниб турибдики, сўнгги пайтларда дунё бўйлаб озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича назорат олиб борувчи идоралар озиқ-овқат орқали юқадиган сальмонеллэзларнинг эпидемик авж олаётганини, касалланишнинг кенг тарқалиб кетмаслигини назорат қилиш, касалланиш мониторингини кучайтириш ва мақсадли назорат чораларини кўриш замонавий эпидемиологиянинг мураккаб ва долзарб муоаммоларидан бири эканлигини таъкидламоқда.

Жаҳонда сальмонеллэзларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, сальмонеллэзлар билан касалланишни ретроспектив эпидемиологик таҳлил қилиш, этиологик таркибини баҳолаш, сальмонеллэзларнинг асосий юқиш йўллари, юқтириш омилларини, зооноз сальмонеллэзлар эпидемик ва эпизоотик жараёнининг замонавий хусусиятларини баҳолаш ҳамда уларнинг эпидемиологик ва эпизоотологик назорат тизимини ишлаб чиқиш, эпидемиологик назоратини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда юқумли касалликларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»²

¹-Удавихина Л.С.Современные тенденции в эпидемиологии сальмонеллеза, обусловленного Salmonella enteritidis, и роль отдельных пищевых продуктов и блюд в его распространении : Диссертация кандидата медицинских наук. - Пермь, 2009. С-3.

Брико Н.И., Онищенко Г.Г., Покровский В.И..Руководство по эпидемиологии инфекционных болезней. Учебник : том 2 . — Москва: МИА, 2019. С.-32.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда сальмонеллеларнинг эпидемиологик хусусиятлари ўрганиш ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 27 июлдаги ПФ-4790-сон «Ўзбекистон Республикасида Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг турли минтақаларида сальмонеллелар билан касалланиш даражаси, этиологик хусусиятлари яқин ва узоқ чет эл адабиётларида кенг ёритиб келинмоқда (Garaween G, Somily A, Raji A, Braun S, Al-Kattan W, Shibl A, Ehricht R, Senok A., 2016; Ogura Y. Et al., 2017; Egorova S.A., 2018; Crim S. Et al., 2018). Чет эл ва маҳаллий адабиётларда сальмонеллелар касаллигининг юқиш йўллари ва етакчи омиллари, сальмонеллаларнинг одамлардан ажратилган етакчи серологик вариантлари ҳамда сальмонеллелар муаммоси яққол тиббий ветеринария аҳамиятини касб эта бошлаганлиги ҳақида маълумотлар кенг тақдим этилган (Calvert N., Murphy L., Smith A., Copeland D. 2007., Родькина Л.А., 2007., Филлипова А.А 2013, Салимов Х.С., Давлатов Р.Б., Камбаров А.А.2013., Элмуродов Б.А.2016, Абдухалилова Г.К.2018, Ковалев О. Б., 2019, Абдуллаев А.А.2021). Ўзбекистонда салмонеллеларнинг бактериологик таххисоти ва касалликнинг расмий рўйхатга олиниши 1960- йиллардан бошланган. Дастлабки даврларда одамлар орасида касалланиш кўрсаткичи жуда паст бўлган. 1970 йиллардан бошлаб *S. Typhimurium* серовари келтириб чиқарган антропоноз сальмонеллелар улуши ортиб борган ва 1990 йилларда энг юқори кўрсаткичлар қайд қилинган (О.М.Миртазаев, 1993). Ундан кейинги даврда «госпитал» сальмонеллелар билан касалланиш кўрсаткичи секин-аста пасая борган. Ўтган асрнинг 80-йилларида, *S. Typhimurium* чақирган, одамдан одамга юқадиган антропоноз «госпитал» сальмонеллеларнинг кенг тарқалаганлиги муносабати билан, Ўзбекистонда ушбу касалликнинг эпидемиологиясини ўрганиш ва профилактикасини такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилган (О.М.Миртазаев, 1993; М.Р.Кантемиров, 2000;).

Илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган самарали чоратадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши *S. Typhimurium* серовари келтириб чиқарган «госпитал» сальмонеллезларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келди. Ҳозирги даврда, кишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалар орасида *S. Enteritidis* келтириб чиқарган сальмонеллезлар эпизоотик жараёнинг фаоллашуви ва унинг Ўзбекистон аҳолиси орасида зооантропоноз сальмонеллезлар билан касалланиш кўрсаткичининг ошишига таъсири умуман ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам сальмонеллезларнинг замонавий эпидемиологик ва эпизоотологик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг эпидемиологик, эпизоотологик назоратини такомиллаштириш ҳозирги кундаги санитария ва ветеринария хизматининг долзарб муаммоларидан биридир. Сальмонеллезларда ветеринария-санитария ва санитария-эпидемиология хизматларининг ҳамкорликдаги назоратини ташкиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда юқумли касалликларнинг эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш, уларни самарали ташхислаш ва даволаш амалиётини татбиқ этишда қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган (О.М.Миртазаев, 2020; Н.С.Атабеков, 2018; И.Х.Маматқулов, 2020, Э.И.Мусабоев, 2020), бироқ, сальмонеллезларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ўрганилмаган ва уларнинг эпидемиологик назорати такомиллаштирилмаган.

Эпидемиолог мутахассислар фаолиятида эпидемик авж олишларнинг сабабларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки бу тахмин қилинаётган омилни аниқлаш учунгина эмас, балки керакли профилактик чора - тадбирлар ҳақида умумий хулоса чиқариш учун ҳам аҳамиятга эга. Юқорида қайд этилганлар, сальмонеллезларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятларини ўрганишни ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштиришни илмий асослаш зарурлигини тақозо этади. Ўзбекистонда сальмонеллезларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ўрганилиши уларнинг эпидемиологик ва эпизоотологик назорат тизимининг яратилиши диссертация тадқиқотининг ўз вақтида бажарилганлигидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011800228 «Болалар ва катталарда бактериял, вирусли ва паразитар инфекцияларнинг замонавий босқичдаги муаммолари. Сальмонеллез ва нозокомиал касалликлар эпидемиологик хусусиятлари, профилактикаси» (2018-2022 йй) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сальмонеллез касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятларини баҳолаш орқали эпидемиологик ва эпизоотологик назорат тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1991-2020 йилларда сальмонеллез билан касалланишни ретроспектив эпидемиологик таҳлил ёрдамида баҳолаш (Тошкент шаҳри мисолида);

сальмонеллезларнинг этиологик таркибини баҳолаш;

сальмонеллезларнинг асосий юқиш йўллари, юқтириш омилларини баҳолаш;

зооноз сальмонеллёлэр эпидемик ва эпизоотик жараённинг замонавий хусусиятларини баҳолаш;

сальмонеллёлэрнинг эпидемиологик ва эпизоотологик назорат тизимини ишлаб чиқиш, эпидемиологик назоратини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 1971-2020 йиллардаги сальмонеллёлэр ҳақидаги расмий маълумотлари, Тошкент шаҳар санитария эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси расмий маълумотлари ва ҳисоботлари, бактериологик лабораториялардан, одамлардан ва ташқи муҳит объектларидан 1991-2020 йилларда ажратилган сальмонеллалар ҳақидаги маълумотлар, 2012-2021 йиллар давомида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасидан олинган 1446 бош ҳайвонлар касалланиш ҳолати ҳақидаги расмий маълумотлари ва ҳисоботлари, ветеринария лабораторияларидан ҳайвонлардан ажратилган сальмонеллалар ҳақидаги маълумотлар, сальмонеллёлэрнинг 368 та эпидемик ўчоқларида ўтказилган эпидемиологик текширув хариталарининг натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг 8 та паррандачилик хўжаликларидан жами 84 бош паррандалардан, 70 та тухум ювиндисидан, хўжаликдаги инвентарлардан 110 та намуналар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, микробиологик ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

замонавий сальмонеллёлэрнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили асосида зооноз эпидемик жараён юзага келганлиги исботланган;

сўнги йилларда сальмонеллёлэр билан касалланишга «зооноз» эпидемик жараённинг хослиги, етакчи этиологик серологик варианты *S. Enteritidis* эканлиги асосланган;

S. Enteritidis серовари асосан озиқ-овқат орқали юқиши ва асосий юқтириш омиллари парранда гўшти ва тухуми эканлиги аниқланган;

паррандачилик хўжаликларида паррандаларнинг *S. Enteritidis* билан зарарланганлиги бактериологик текширув асосида исботланган;

сальмонеллёлэрнинг эпидемиологик назорат тизими такомиллаштирилиб, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш имконини берадиган сальмонеллёлэр устидан эпизоотолого-эпидемиологик назорат тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳозирги даврда сальмонеллёлэрнинг етакчи этиологик тури аниқланган ва унинг касаллик эпидемик жараёнига таъсири баҳоланган;

сальмонеллёлэрнинг юқиш йўллари ва етакчи юқтириш омиллари ва уларнинг касалланиш кўрсаткичига таъсири баҳоланган;

паррандаларнинг *S. Enteritidis* билан зарарланганлиги бактериологик текширувлар асосида аниқланган;

сальмонеллёлэр устидан эпизоотолого-эпидемиологик назорат тизими яратилиши, касалланишнинг эпидемик ва эпизоотик жараёнини ветеринария хизмати ходимлари билан биргаликда таҳлил қилиниши, улар билан ҳамкорликда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни

режалаштирилиши сальмонеллэзлар билан касалланиш эпидемик жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши ва касалланиш кўрсаткичини камайиши баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва фойдаланилган замонавий тадқиқот усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган эпидемик ўчоқлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи эпидемиологик, микробиологик ва статистик тадқиқот усулларида сальмонеллэзларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аввалом бор аҳолининг сальмонеллэзлар билан касалланишининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ўрганилмаганлиги, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар орасида ушбу касалликнинг тарқалганлик даражаси аниқланмаганлиги, сальмонеллэзлар эпидемик ва эпизоотик жараёни ветеринария хизмати ходимлари билан биргаликда таҳлил қилиниши, улар билан ҳамкорликда профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар режалаштирилиши, эпизотолого-эпидемиологик назорат тизимининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматларининг ўзаро алоқаси йўлга қўйилиб, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати таркибида сальмонеллэзлар санитария ва ветеринария назорати бўйича идоралараро ҳайъат тузиш, сальмонеллэзлар эпизотолого-эпидемиологик назорат тизими сальмонеллэзлар билан касалланиш ҳолатини давлат ичида ва ҳудудлараро назорат қилиш тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сальмонеллэзларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

сальмонеллэзлар устидан эпидемиологик назоратни такомиллаштиришга бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида «Сальмонеллэзлар устидан эпизотолого-эпидемиологик назорат ўтказиш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 августдаги 8н-д/268-сон маълумотномаси). Натижада аҳолининг касалланиш ҳолати, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар орасида ушбу юқумли касалликнинг эпизоотик жараёнини биргаликда мақсадли эпидемиологик ташхислаш, таҳлил қилиш, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириш ҳамда сальмонеллэзлар устидан эпизотолого-эпидемиологик назорат тизимини тадбиқ қилиш имконини берган;

сальмонеллэзларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат

саломатлиги хизмати, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси амалиётига, Ветеринария қўмитасининг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 28 январдаги 08-09/3357-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, ветеринария хизмати ўз ишини эпизоотологик назорат мезони бўйича олиб бориши, бунда эпизоотолого-эпидемиологик назорат йўналишларига асосланиши, сальмонеллэзга қарши курашиш бўйича барча ташкилотлар ва бўлимлар ишларини мувофиқлаштириш мақсадида, ҳар бир ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати марказларида сальмонеллэз бўйича идоралараро ҳайъат тузиш касалланишни давлат ичида ва ҳудудлараро даражада назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сальмонеллэзларнинг этиологик, эпидемиологик хусусиятларининг замонавий талқини» деб номланган адабиётлар шарҳида хорижий ва маҳаллий адабиётлардаги мавзуга доир манбаларнинг таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб сальмонеллэзларнинг этиологик хусусиятлари ва сальмонеллэз эпидемик жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, дунё миқёсида ва ҳамдўстлик мамлакатларида сальмонеллэзлар билан касалланиш ҳолати, сальмонеллэзлар эпизоотик жараёнининг хусусиятлари, сальмонеллэз касаллигининг эпидемиологик назорати ҳақидаги маълумотлар кўриб чиқилган.

Диссертациянинг «Сальмонеллэзларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш

материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган муаммонинг эпидемиологик тавсифи кўп қиррали ва кўп омили эканлигини инобатга олиб, тадқиқот дизайни турли манбалардан тўпланган маълумотларнинг ретроспектив таҳлили орқали статистик ишлов бериш натижаларини мужассамлашга асосланган. Тадқиқотнинг асосий вазифаларини ҳал этиш учун эпидемиологик, микробиологик ва статистик усуллар мажмуасини қўллаб турли материаллар Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 1971-2020 йиллардаги сальмонеллэзлар ҳақидаги расмий маълумотлари, Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси расмий маълумотлари ва ҳисоботлари, бактериологик лабораториялардан, одамлардан ва ташқи муҳит объектларидан 1991-2020 йилларда ажратилган сальмонеллалар ҳақидаги маълумотлар, 2012-2021 йиллар давомида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасидан олинган 1446 бош ҳайвонлар касалланиш ҳолати расмий маълумотлари ва ҳисоботлари, ветеринария лабораторияларидан ҳайвонлардан ажратилган сальмонеллалар ҳақидаги маълумотлар, Сальмонеллэзларнинг 368 та эпидемик ўчоқларида ўтказилган эпидемиологик текширув хариталари олинди. Самарқанд, Қашқадарьё ва Жиззах вилоятларининг 8 та паррандачилик хўжаликларидан жами 84 бош паррандалардан, 70 та тухум ювиндисидан, хўжаликдаги инвентарлардан 110 та намуналар олинди.

Эпидемиологик кузатув доирасида тасвирий ва таҳлилий эпидемиологик усуллардан фойдаланилди. Аҳолининг умумий касалланиши, турли ёш гуруҳлари ўртасида касалланиш, ҳудудлар бўйича тақсимланиши ўрганилди. Илмий ишда эпидемиологик кузатувнинг эпидемиологик текширув, микробиологик ва статистик усуллар қўлланилди. Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакетини ишлатиб, CORE i5 шахсий компьютерда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **«Сальмонеллэзлар эпидемик жараёни намоён бўлишининг замонавий хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобида касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлили қилганимизда Ўзбекистон Республикасида сальмонеллэзларнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили ўтказилганда, Республикада салмонеллэзларнинг бактериологик ва серологик ташхисоти йўлга қўйилгандан кейин, ўтган асрнинг 70 йилларидан бошлаб сальмонеллэзлар билан касалланиш кўрсаткичи кескин кўпайгани аниқланди, ҳар 100 000 аҳоли сонига касалланиш кўрсаткичи ўртача 66,04 тўғри келган, ушбу кўрсаткич 1988-йилларгача сақланиб турган. Касалланиш кўрсаткичининг кўпайиши бир томондан лаборатория текширувлар сони ва сифати яхшиланиши билан боғлиқ бўлган бўлса, иккинчи томондан *S.Typhimurium* серовари чақирган антропоноз «госпитал» сальмонеллэзлар билан касалланишнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлган.

Шу даврга келиб Ўзбекистонда «госпитал» сальмонеллэзларнинг эпидемиологиясини ва профилактикасини ўрганиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилиб (О.М.Миртазаев,1993; М.Р.Кантемиров, 2000) тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган самарали профилактик чора-тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида, мустақилликка эришилган йиллардан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг барча


худудларида касалланиш кўрсаткичлари камайиб борган. Бундай камайиш *S. Typhimurium* серовари келтириб чиқарган «госпитал» сальмонеллэзлар камайиши билан боғлиқ бўлган.

90-йилларда Ўзбекистонда юз берган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар сабабли *S. Enteritidis* сабаб бўлган зооантропоноз сальмонеллезлар, худудларда илгари етакчилик қилган *S. Typhimurium* ўрнини эгаллай бошлаган, *S. Enteritidis* тарқалишининг тез суръатларда кўтарилиши Ўзбекистон республикасининг барча худудларида кузатилган.

Сальмонеллез энтеритидис ҳозирги вақтда сальмонеллэзлар таркибида етакчилик қилаётганини инобатга олиб, сальмонеллэз касаллиги эпидемик жараёнининг Ўзбекистонда намоён бўлишини мустақилликка эришгунча (1971-1991йиллар) ва мустақилликдан кейинги (1992-2020 йиллар) даврида таҳлил қилдик.

Мустақилликка эришилгандан кейин Ўзбекистонда сальмонеллэзлар билан касалланишга пасайиш тенденцияси хос бўлиб, касалланиш интенсив кўрсаткичи 1991 йилда 34,59 бўлган бўлса (95% ИО=32,86-36,32), 2020 йилда бу кўрсаткич 1,1(95% ИО=1,15-1,04) ни ташкил қилган ($P<0,001$). Сальмонеллэзларнинг худудлар бўйича тақсимланишини таҳлил қилганимизда, касалланишнинг нотекис тарқалганлиги аниқланди, энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида кузатилган бўлиб, касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига (28,2), Қорақалпоғистон республикасида (6,46), Фарғона вилоятида (16,19), Тошкент вилоятида (15,8), Сирдарё вилоятида (7,09), Сурхондарё вилоятида (3,76), Самарқанд вилоятида (2,94), Наманган вилоятида (3,62), Навоий вилоятида (5,78) Қашқадарё вилоятида (4,53), Жиззах вилоятида (6,53), Бухоро вилоятида (3,44), Андижон вилоятида (5,73) ни ташкил этди. Тошкент шаҳрида касалланиш юқори эканлигини ҳисобга олиб, касалланишнинг кўп йиллик динамикасини Тошкент шаҳри бўйича ўтказдик.

Тошкент шаҳрида касалланишнинг кўп йиллик динамикасини таҳлил қилганимизда касалланишга пасайиш тенденцияси хос бўлиб: Касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига 1991 й. - 92,5(95% ИО=87,8-97,1); 2020 й. - 7,1(95% ИО=6,75-7,45) ни ташкил этган ($P<0,001$) (1-расм)




1-расм. Тошкент шаҳрида сальмонеллэз билан касалланишнинг кўп йиллик динамикаси (1991-2020йй.) 100минг аҳолига

Касалланишнинг кўп йиллик кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда охириги 30 йилда касалланиш кўрсаткичининг камайиш тенденцияси кузатилган, шу даврлар ичида бир биридан фарқ қилувчи тўрт хил давр намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин (биринчи давр 1991-2001 й., 2 давр 2001-2007 й., учинчи давр 2007-2015 й., тўртинчи давр 2015-2019 й.). Биринчи ва учинчи даврда касалланиш кўрсаткичи кескин камайиб, иккинчи, тўртинчи даврларда касалланиш кўтарилганлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолатлар ўша йиллари Тошкент шаҳрида сальмонеллэзларнинг парранда маҳсулотлари билан боғлиқ бўлган, *S. Enteritidis* серовари чақирган токсикоинфекция ҳолатлари кузатилганлиги билан боғлиқ бўлган.

Сальмонеллэзларнинг йиллик динамикасини Тошкент шаҳрида 2011-2015 йилларда кузатилган касалланишнинг эпидемиологик таҳлил натижалари асосида ўргандик Мавсумий кўтарилиш ёз-куз ойларига тўғри келган. Касалланишнинг ёз-куз ойларида кўтарилишига, қўзғатувчининг озиқ-овқат маҳсулотларида жадал кўпайиши учун қулай об-ҳаво ҳарорати мавжудлиги сабаб бўлган.

Касалланишнинг турли ёш гуруҳлари бўйича 1991-2020 йиллар кесимида таҳлил қилганимизда 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида сальмонеллэзлар билан касалланиш динамикасида, пасайиш тенденцияси (2011 йили 2,37; 2019 йили 1,68) ($1,53 \pm 0,13$), 14 ёшдан катталарда эса кўпайиш тенденцияси (2011 йили 0,83; 2019 йили 2) ($1,09 \pm 0,13$) ($P > 0,05$) кузатилган ва иккала ёшдаги касалланиш деярли тенглашиб қолганлигини кўришимиз мумкин (2- расм.).




2- расм. Касалланишнинг 14 ёшгача болалар ва 14 ёшдан катта ёшдагилар орасида тақсимланиш динамикаси (1991-2020 й.й., 100 минг аҳолига нисбатан)

Бунга сабаб кейинги йилларда Фаст фудлар билан савдо қилувчи кафеларнинг кўпайганлиги ва айнан 14 ёшдан катта болаларнинг турли хил фаст фудларни, айниқса товуқли сендвич, шавурма таомларини кўп истеъмол қилиши сабаб бўлган. Ушбу овқатлар билан боғлиқ бўлган, *S. enteridis* чақирган токсикоинфекциялар тез-тез кузатилган.

Сальмонеллёлэрнинг этиологик таркиби бўйича таҳлил қилганимизда ўтказилган эпидемиологик таҳлил натижаларига кўра охириги 10 йил ичида Ўзбекистонда сальмонеллёл билан касалланишнинг этиологик хусусиятлари ўзгарган, хусусан одамлардан, ҳайвонлардан ва атроф муҳитдан ажратилган *S. Enteritidis* нинг улуши динамикада кўпайиб борган. 2011-2020 йилларда сальмонеллаларнинг одамлардан ажратилган 2061 та штаммидан, 46,4 % и *S. Typhimurium*, 53,6 % *S. Enteritidis* ташкил этган (3- расм).


Тошкент шаҳрида 2011-2020 йилларда одамлардан ажратилган сальмонеллёл сероварларининг ажралиш ҳолатини таҳлил қилганимизда 2011-2015 йилларда *S. Typhimurium* етакчилик қилган бўлиб, 54% ҳолатда ажратилган, *S. Enteritidis* 26 % ҳолатда ажратиб олинган 20 % бошқа сальмонеллалар ажратилган (4-расм). 2016-2020 йилларга келиб, касалланишнинг 48% ини *S. Enteritidis*, 22% ини *S. Typhimurium*, 30 % бошқа сальмонеллалар ташкил этган (5-расм) 2020 йил бутун дунё COVID-19 пандемияси юзага келганлиги муносабати билан жорий этилган карантин чекловлари сальмонеллёл касаллигининг ҳам эпидемик жараёнига ўз таъсирини кўрсатди. Ўрнатилган қатъий карантин тадбирлари муносабати билан аҳолининг жуда кўп қисми асосан уйда бўлдилар. Аҳоли санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қила бошлади. Ваҳимага берилган аҳоли антибиотикларни тартибсиз қабул қила бошладилар, бу бактериологик таҳхисотга ўз таъсирини кўрсатди, касалланишни рўйхатга олиш камайди, натижада 2020 йили Тошкент шаҳрида сальмонеллёл касаллиги билан умумий касалланиш ҳолати кескин камайиб 182 нафарни ташкил этди.




3-расм. Тошкент шаҳрида 2011-2020 йилларда одамлардан ажратилган *S. Typhimurium* ва *S. Enteritidis* нинг улуши (%)

Тошкент шаҳрида 2011-2020 йилларда ташқи муҳит объектларидан олинган намуналардан ажратилган сальмонеллалар сероварларини таҳлил қилганимизда 2011 йилда *S. Typhimurium* доминант бўлганлиги кўрсатилган, 2016 йилдан бошлаб, *S. Enteritidis* сероварини аниқлаш ортиб бориб, 2018


йилга келиб, бу серовар уч бараварга ошганлигини кўришимиз мумкин (мос равишда 25,0% дан ва 75,5% гача) (6-расм).



4 - расм. 2011-2015 йиллар




5 - расм. 2016-2020 йиллар



6 - расм. Тошкент шаҳрида 2011-2020 йилларда ташқи муҳит объектларидан олинган намуналардан ажратилган сальмонеллалар сероварлари (%да)

Сальмонеллёларнинг асосий юқиш йўллари, юктириш омилларини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳри санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати бошқармаси ҳисобот материаллари ва 2939 эпидемиологик ўчоқларни текширув хариталарини таҳлил қилганимизда касалланишнинг кўп қисми (95,8 %) озиқ-овқат орқали юққанлиги, яна маиший мулоқот йўли орқали (1,32%), сув орқали (0,4%) ва бошқа йўллар орқали (2,42%) юққанлиги аниқланди.

Озиқ-овқат йўли билан юққан сальмонеллёларнинг 29 % ига товуқ гўшtidан тайёрланган овқатларни истеъмол қилинганидан, 26,7% ига аҳолининг парранда тухумини, 16,2 % ҳолатдагина сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли, 3,3 % салатлар истеъмолидан келиб чиққан, 12,8 % мева сабзавотлардан, 2,05 % ига гўшт маҳсулотлари, 0,6 % ига балиқ маҳсулотлари, 1,56 % ига кондитер маҳсулотлари, 0,15 % га музқаймоқ ва 7,64 % ига қолган маҳсулотлар истеъмоли сабаб бўлган (7- расм).



7- расм. Тошкент шаҳрида сальмонеллезларни юктириш омиллари (%) (2011-2020 й.й.)


Аҳоли орасида ретроспектив текширув усули *S. Enteritidis* билан касалланган беморлар эпидемиологик ўчоқларида текширув ва ўтказилиб, аҳоли орасида сальмонеллез билан касалланишга парранда маҳсулотларидан тухум ва товуқ гўштини кўп истеъмол қилишнинг боғлиқлиги аниқланди. Ўчоқларда эпидемиологик текширув ўтказилганда 2015-2020 йилларда Сальмонелла энтеритидис билан касалланган беморлар тухум ва тухумдан тайёрланган маҳсулотларни (70,1±2,6%) парранда маҳсулотларидан товуқ гўштини (48,6±4,1%) кўпроқ истеъмол қилганликлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Сальмонелла энтеритидис билан касалланган беморларда эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари

Маҳсулотлар	2015-2020 йиллар	
	Маҳсулот истеъмол қилган кишилар сони	
	Беморлар (n=368)	
	М.р	%±m
Илитилган тухум, омлет, қайнатилган тухум ва тухумдан тайёрланган маҳсулотлар	258	70,1±2,6
Товуқ гўшти, парранда маҳсулотлари	179	48,6±4,1
Гўшт маҳсулотлар(мол, қўй гўшти)	150	40,7%±3,2
Салатлар, сабзавотлар	65	17,6%±1,8
Мевалар	28	7,6%±2,5

Диссертациянинг «Сальмонеллэлар эпизоотик жараёнинг замонавий хусусиятларини» деб номланган тўртинчи бобида 2012-2021 йиллардаги Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат хавфсизлиги давлат маркази, Самарқанд ветеринария илмий текшириш институти лабораториясида текширилган паррандаларнинг сальмонеллэз бўйича эпизоотик ҳолати бўйича таҳлил ўтказилганда, 2012-2021 йиллар давомида Ветеринария чорвачиликни ривожлантириш қўмитасидан олинган расмий маълумотларга кўра, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятининг паррандачилик хўжаликларида сальмонеллэзга гумон қилинган ва ўлган паррандалардан олиб келинган патологик материаллар бактериологик текширилганда, уларда сальмонеллэз тасдиқланган. 2012-2021 йиллардаги расмий ҳисобот маълумотлари таҳлил қилинганда, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятининг паррандачилик хўжаликларидан, Ветеринария илмий текшириш институти «Ёш ҳайвонлар касалликлари» лабораториясига келтирилган 1446 та намуналар бактериологик текширилганда, уларнинг 83 тасида ёки 5,7 %да *S. Enteritidis* аниқланган. Ушбу маълумотлар Ўзбекистон ҳудудида боқилаётган паррандаларнинг ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг *S. Enteritidis* бактерияси билан зарарланганлигидан далolat беради (8-расм).



8-расм. Қашқадарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ва Ветеринария илмий текшириш институти «Ёш ҳайвонлар касалликлари» лабораториясининг 2012-2021 йилларда паррандалар сальмонеллэзига текширилган патологик материаллар сони ва олинган натижалар.

Паррандаларнинг *Salmonella enteritidis*ни тарқатишдаги аҳамиятини аниқлаш учун ветеринария хизмати ходимлари билан ҳамкорликда махсус текширув ўтказилди. Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг 8 та паррандачилик хўжаликларида жами 84 бош паррандалардан, тухум ювиндисидан, ташқи муҳит инвентарларидан намуналар олиниб, бактериологик текширилганда, 84 бош паррандаларнинг, 6 (7,14%) бошидан, 70 та тухум ювиндисининг 8 тасидан (11,4%), Хўжаликдаги 110 та инвентарларидан 14 тасидан (12,7%) *Salmonella enteritidis* култураси ажратиб олинди. Ушбу маълумотлар паррандаларнинг, тухумнинг, ташқи муҳитнинг *Salmonella enteritidis* бактерияси билан зарарлаганлигини яна бир бор тасдиқлайди (2-жадвал).

Паррандалар, тухум ювиндиси, хўжалик инвенторларини бактериологик текшириш натижалари


Маҳсулотлар	Намуналар сони (жами)	2019 йил				χ ²
		Намуналар сони				
		сальмонеллалар		Шулардан Salmonella enteritidis		
М.р	% ±m	М.р	% ±m			
Нобуд бўлган парранда	84	6	7,14%±1,8	6	7,14%±2,1	32,6
Тухум ювиндиси	70	8	11,4%±2,4	8	11,4%±3,9	5,21
Хўжаликдаги инвентарлардан суртмалар	110	16	14,5%±3,6	14	12,7%±3,1	0,45

Аҳолини касалланиш ҳолатини, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар орасида сальмонеллэзнинг эпизоотик жараёнини биргаликда таҳлил қилиш, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни самарали ташкиллаштириш сальмонеллэзлар устидан эпизоотолого-эпидемиологик назоратни такомиллаштириш имконини беради.

Диссертациянинг «Сальмонеллэзларнинг эпидемиологик назорат тизимини такомиллаштириш» деб номланган бешинчи боби сальмонеллэзлар устидан эпизоотолого-эпидемиологик назорат дастурини ишлаб чиқишга бағишланган.

Аҳолининг касалланиш ҳолатини, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар орасида ушбу юқумли касалликнинг эпизоотик жараёнини биргаликда мақсадли эпидемиологик ташхислаш, таҳлил қилиш, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириш ва услубий жиҳатдан таъминлашга имкон берадиган сальмонеллэзлар устидан эпизоотолого-эпидемиологик назорат дастурини ишлаб чиқиш, давлат ичида ва ҳудудлараро даражада касалланишни назорат қилиш учун зарур.

Сальмонеллэзлар бўйича нохуш эпидемиологик вазият, бир қатор илмий масалаларни ҳал этишни талаб қилади. Улардан асосийлари: сальмонеллэзларнинг эпидемик, эпизоотик жараёнини ўрганиш ва унга сальмонеллаларнинг биологик хусусиятлари (вирулентлиги, микробларга қарши препатарларга сезгирлиги ва бошқа хусусиятлари) ўзгарувчанлигининг таъсир қилиши мумкинлигини ўрганиш; сальмонеллэзлар этиологик таркиби ўзгаришини белгиловчи омилларни аниқлаш ва бошқа хусусиятларини ўрганиш киради. Илмий тадқиқот натижаларига кўра, биз сальмонеллэзларнинг эпизоотологик ва эпидемиологик назоратини Ўзбекистон шароитига мослаб ишлаб чиқдик. Эпизоотолого-эпидемиологик назорат умумий алгоритмининг тузишда юқумли касалликлар устидан қилинадиган эпидемиологик назоратнинг ягона схемасидан фойдаландик. (9-расм).



9-расм. Сальмонеллёлар устидан эпизоотолого-эпидемиологик назорат тизими

Ташкилий нуқтаи назардан, ишлаб чиқилган эпизоотолого-эпидемиологик назорат тизими дастури Ўзбекистон республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизматининг бошқарув ва назорат фаолиятини акс эттиради.

Эпизоотолого-эпидемиологик назорат дастури 3та йўналишдан иборат бўлиб, булар: ахборот-таҳлилий, эпидемиологик ташхисот, бошқарув йўналишларидир.

Эпидемиологик назорат самарадорлиги санитария-эпидемиологик ва ветеринария хизматининг ўзаро ҳамкорлиги билан белгиланади. Шу билан бирга ветеринария хизмати ўз ишини эпизоотик назорат принципи бўйича олиб бориши ва бу юқорида кўрсатилган эпидемиологик назорат йўналишларига асосланган бўлиши керак.

Сальмонеллэз билан курашиш бўйича барча манфаатдор хизматлар ва бўлимларнинг ишларини мувофиқлаштириш учун ҳар бир ҳудудда вилоят санитария эпидемиология хизмати қошида сальмонеллэз бўйича идоралараро комиссия тузиш ва унинг доимий ишини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСАЛАР

«Сальмонеллэзларнинг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва уларнинг эпидемиологик назоратини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий иш натижаларига кўра қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида сальмонеллэз билан касалланиш кўрсаткичларига пасайиш тенденцияси хос (касалланиш кўрсаткичи 1991 йилда 34,59 бўлган бўлса (95% ИО=32,86-36,32), 2020 йилда 1,1(95% ИО=1,15-1,04) ни ташкил қилган. $P < 0,001$).

2. Сальмонеллэзлар ҳудудлар бўйича нотекис тарқалган, нисбатан юқори касалланиш кўрсаткичлари Тошкент шаҳрида (28,2), Фарғона вилоятида (16,19) ва Тошкент вилоятида (15,8) кузатилган.

3. 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида сальмонеллэзлар билан касалланиш динамикасида, пасайиш тенденцияси (2011 йили 2,37; 2019 йили 1,68) ($1,53 \pm 0,13$), 14 ёшдан катталарда эса кўпайиш тенденцияси (2011 йили 0,83; 2019 йили 2) ($1,09 \pm 0,13$) ($P > 0,05$) кузатилган.

4. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда сальмонеллэзларнинг этиологик таркиби ўзгарган, 1990 йилларгача Тошкент шаҳрида одамлардан ажратилган сальмонеллаларнинг 85,4 %ини *S. Typhimurium*, 14,6 %ини *S. Enteritidis* ташкил қилган бўлса, 2011-2020 йилларда одамлардан ажратилган сальмонеллаларнинг 46,4 % *S. Typhimurium*, 53,6 % *S. Enteritidis* ташкил қилган.

5. Сальмонеллэзларнинг асосий юқтириш омиллари озиқ-овқат маҳсулотлари бўлиб, улар орасида сальмонеллэз билан касалланишда парранда гўшти (29%) ва тухуми (26,7%) етакчи ўринни эгаллайди.

6. Паррандаларнинг, улар тухумларининг *S. Enteritidis* билан зарарланганлиги нисбатан юқори (тегишлича 5,7 %; 7,14%)

7. Сальмонеллэзларнинг ишлаб чиқилган эпизоотолого-эпидемиологик назорат тизими, сальмонеллэзлар билан касалланишни Ўзбекистонда ва ҳудудлараро даражада назорат қилиш имкониятини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ, РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ
ЭПИДЕМИОЛОГИИ, МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И
ПАЗАРИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

САИДКАСИМОВА НАРГИЗА САЙФУЛЛАЕВНА

**СОВРЕМЕННЫЕ ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
САЛЬМОНЕЛЛЕЗОВ И ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОГО НАДЗОРА ЗА НИМИ**

14.00.30 - Эпидемиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Tib999.

Диссертационная работа выполнена в Ташкентской медицинской академии
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский) и резюме (на английском языке) размещен на веб-странице ТМА (www.tma.uz) информационно-образовательного портала Ziyonet (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель: Миртазаев Омон Миртазаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Атабеков Нурмат Сатиниязович
доктор медицинских наук

Мавланов Сабиржан Ибадуллаевич
доктор ветеринарных наук


Ведущая организация: Центр развития профессиональной квалификации
медицинских работников

Защита диссертации состоится «18» марта 2022 года в 13.00 часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентской медицинской академии, Республиканском специализированном научно - практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний. Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № 837). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан « 1 » марта 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 7 от « 1 » марта 2022 г.)




Л.Н. Туйчиев
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук,
профессор


Н.У. Таджиева
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней доктор
медицинских наук, доцент


Б.М. Таджиев
Заместитель председателя научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Среди инфекционных болезней сальмонеллез, представляющий острые кишечные инфекции, занимает важное место после группы острых респираторных инфекций. Сальмонеллёзы являются актуальной проблемой здравоохранения и народного хозяйства. Сальмонеллез широко распространен во всем мире. «...сальмонеллёзы, получившие название «болезни цивилизации» распространены так широко, что в настоящее время ни в одной стране не стоит вопрос об их ликвидации, а говорят только о снижении уровня заболеваемости...»¹. По мнению экспертов ВОЗ сальмонеллёз является серьезной проблемой для всего мира, даже в странах, где хорошо налажена система эпидемиологического надзора за этими заболеваниями, официальные данные о распространении сальмонеллеза далеки от истинной заболеваемости и отражают лишь часть реальной ситуации. В настоящее время количество больных сальмонеллезом в разных странах постоянно увеличивается. Приведенные выше данные показывают, что в последнее время органы регулирования безопасности пищевых продуктов во всем мире, подчеркивают эпидемию сальмонеллеза пищевого происхождения и необходимость усиления мониторинга заболеваний и принятия целенаправленных мер контроля для предупреждения распространения болезни.

В мире проводится ряд научных исследований по современным эпидемиологическим особенностям сальмонеллёза и совершенствованию их эпидемиологического надзора. В связи с этим ретроспективный эпидемиологический анализ сальмонеллеза, оценка его этиологической структуры, оценка основных путей и факторов передачи сальмонеллеза, оценка современных особенностей эпидемического и эпизоотического процесса зоонозного сальмонеллеза и разработка системы эпидемиологического и эпизоотологического надзора за сальмонеллезом имеют особое значение.

В нашей стране проводятся исследования, направленные на раннюю диагностику и эффективное лечение инфекционных заболеваний, профилактику и снижение заболеваемости. В Указе Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № ПФ-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» определены такие задачи, как «повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний».² Исходя из этого, целесообразно проведение научных исследований, направленных на улучшение эпидемиологического надзора за сальмонеллёзами, изучение современных

¹Удавихина Л.С.Современные тенденции в эпидемиологии сальмонеллеза, обусловленного *Salmonella enteritidis*, и роль отдельных пищевых продуктов и блюд в его распространении: Диссертация кандидата медицинских наук. - Пермь, 2009. С-3.

Брико Н.И., Онищенко Г.Г., Покровский В.И. и др.Руководство по эпидемиологии инфекционных болезней .Учебник : в 2 т. — М.: МИА, 2019. С.-32.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № ПФ-5590 « О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан».

эпидемиологических и эпизоотологических особенностей сальмонеллеза. Теоретическое обоснование системы мер по борьбе с ними имеет особое значение для предотвращения этого заболевания.

